ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

30 июль, пайшанба 1998 йил №89(591)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида*

**28 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

**Мажлисни Ўзбекистон парламентининг Раиси Э.Халилов бошқарди.**

Кенгаш биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясини 1998 йил 28 август куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисда сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тузилди. Унга Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А.Қосимов раҳбар этиб сайланди.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг*

## ҚАРОРИ

### Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 1998 йил 28 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э.ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 28 июль.

Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессиясида қуйидаги масалалар кўриб чиқилиши мўлжалланмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг лойиҳаси тўғрисида /биринчи ўқиш/.
2. Давлат Ер кадастри тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида /иккинчи ўқиш/.
3. Банкротлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида /янги таҳрири/.
4. Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида /иккинчи ўқиш/.
5. Депозитариялар ва қимматли қоғозлар бозоридаги депозитар фаолият тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
6. Автомобиль транспорти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида /биринчи ўқиш/.
8. Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисидаги Ўзбекситон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
9. Реклама тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
10. «Эл-юрт ҳурмати» орденини таъсис этиш тўғрисида.
11. «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида.
12. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида.

Ана шу масалалар билан бирга депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам киритиш назарда тутилмоқда.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

## ҚАРОРИ

### Дам олиш кунини 1998 йил 29 август шанбадан 31 август душанбага кўчириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни байрам қилиниши муносабати билан меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

дам олиш куни 1998 йил 29 август шанбадан 31 август душанбага кўчирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 28 июль.

*Истиқлол кошоналари*

Меҳмонхона.

Ҳусанбой АВВАЛОВ сурати.

*Истиқлол одимлари*

# ЕТТИ ЙИЛДА 70 ЙИЛДАГИДАН КЎП...

**Яккабоғ туманида кейинги икки йилда туманни газлаштириш 4 фоиздан 27 фоизга чиқибди. «Йил охиригача аҳолимизнинг 45 фоизи табиий газдан фойдалана бошлайди»-деди туман ҳокими ишонч билан. Ваҳоланки, 1991 йилгача Яккабоғда умуман табиий газ йўқ эди. Ёки мустақилликкача Шаҳрисабздек қадимий ва азим туман 11,8 фоиз, Китоб 9,2 фоиз, Ғузор 7,4 фоиз, Касби 11,3 фоиз, Косон 15,9 фоиз газлашган, Деҳқонободга газ бормаган эди. Ҳатто Шаҳрисабздек дунёга машҳур шаҳар ҳам бор-йўғи 30 фоизгина газлашган эди. Газлаштириш кўрсаткичлари Қашқадарё вилояти бўйича 20 фоизга ҳам етмас эди. Шу ўринда бир фактга эътиборингизни қаратмоқчиман: мен қандайдир имкониятлари чекланган бир вилоят ҳақида эмас, газ заҳирасига бой бўлган вилоят (Қашқадарё мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган газнинг 96 фоизини етказиб бермоқда) тўғрисида сўз юритаяпман.**

Мана собиқ шўро тузуми олиб борган «адолатли» сиёсатнинг натижаси. Ваҳоланки, ўша йиллари Муборак ва Шўртан гази олис Русиядаги «Ватандошлар»имизнинг уйларини иситишга хизмат қиларди. «Ўз газини Уралга бериб, таппи ёқкан ўзбегим» каби қўшиқлар беҳудага тўқилмаган эди.

Мустақиллигимизнинг етти йилида Ўзбекистонда совет давлати 70 йилда қилолмаган ишлар қилинди, десак ҳеч бир муболаға бўлмас. Масалан, Қашқадарёда биргина газлаштириш соҳасини олиб қарайдиган бўлсак, бунинг гувоҳи бўламиз. Ҳатто олис Деҳқонобод, Китоб туманларининг тоғли қишлоқларигача газ борди. Ўз заминидан газ чиқсада йиллар давомида бундан бебаҳра бўлган Муборак тумани аҳолисининг салкам 90 фоизи бугун табиий газ қулайликларидан бахраманд бўлмоқда. Ўтган йили Қамаши туманининг аҳолиси кўп олис қишлоқларига газ борди.

- Мен 40 йилдан буён турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келаяпман,- дейди «Қорабоғ» хўжалиги раиси, эл оқсоқолларидан бири Рашид ака Норбўтаев.- Бизнинг қишлоғимизгача 40 км.дан ошиқ асосий газ тармоғи тортиб келинди. Бу мустақил давлатимизнинг қудратидан далолатдир. Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганидек, халқимизнинг ҳеч бир халқдан кам жойи йўқ. Эртадан кечгача тиним билмайдиган бу меҳнаткаш одамларнинг ҳар жиҳатдан муносиб турмуш кечиришга ҳаққи бор.

Шу ўринда яқинда ўзим гувоҳ бўлганим бир воқеа эсимга тушиб қолди. Бир дўстимнинг уйида меҳмондорчиликда эдик. Меҳмонлар орасида бир хорижлик киши ҳам бор экан. У бизнинг гурунгларимизга кўпам аралашмай ўтирарди. Гурунг мавзуси турмуш қийинчиликлари, кун кечириш ташвишларига бориб тақалганда, у бирдан жонланиб гурунгга қўшилди.

- Тўғриси, менинг сизларга ҳавасим келиб ўтирибди,- деди у. -Турмушдан бироз нолигандай оҳангдаги гапларинг менга ёқмади. Мана сиз,-деди у уй эгасига қараб. -Ўз уйингиз, оилангиз, севган ишингиз бор экан. Фарзандларингиз бир-биридан ажойиб. Дўстларингиз кўп экан. Менинг ёшим элликдан ошди. Болаларимнинг ҳаммаси ижара квартираларда туғилган. Бизда ўз мутахассислигинг бўйича иш топиш азоб. Сизларнинг юртларингизда юришимдан мақсад кўпроқ пул топиб, уй сотиб олиш. Бирдан бир орзуим-ўз уйим бўлишини истайман.

Хорижлик меҳмоннинг гаплари даврадагиларга қаттиқ таъсир қилди. Шундан буён турли давраларда ўтирарканман, негадир унинг гаплари бот-бот эсимга тушаверади.

Бугунги кунда Қашқадарё вилояти аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши 72,8 фоизни, табиий газ билан таъминланиши эса сал кам 50 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар, балки бошқа вилоятлар билан таққослаганда камроқдир, лекин иш шу суръатда давом этаверса, яқин йилларда вилоятда табиий газ ва тоза ичимлик суви етиб бормаган қишлоқ қолмайди ҳисоб. Биргина 1997 йилда барча маблағлар ҳисобига вилоятда 450,6 километр газ қувурлари ўтказилгани фикримизни исботлаб турибди.

Вилоятда аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган катта миқёсдаги ишлар шуни кўрсатаяпдики, мустақиллик йилларида халқимизнинг турмуш тарзида, яшаш шароитида ижобий ўзгаришлар содир бўлаяпти. Бугун қишлоқларимизнинг қиёфаси ўзгармоқда. Одамларимиз собиқ тузум давридаги «Берсанг ейман, урсанг ўламан» қабилидаги «боқимандалик» кайфиятидан қутулиб, яхши яшашга, фаровон турмушга интилмоқда. Зеро, ўтмиши буюк, маданияти, маънавияти юксак халқимиз муносиб ҳаёт кечиришга лойиқ. Давлатимиз олиб бораётган ижтимоий сиёсатнинг мазмун моҳияти ҳам шундадир.

**Абдужалил ҒАФФОР,**
**Қарши шаҳри**

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

### РОССИЯ АФҒОН УРУШИГА АРАЛАШМОҚДАМИ?

**Россия ташқи ишлар вазирлиги Америка Қўшма Штатларининг баёноти асоссиз эканлиги ҳақида эълон қилди. Бир неча кун аввал АҚШ матбуотида Россия Афғонистондаги урушга аралашаётгани ҳақида маълумотлар берилган эди. Яъни Россия ҳукумати толибларга қарши курашаётган Шимолий Иттифоқ учун қурол етказиб бераётгани маълум қилинган эди. Россия ташқи ишлар вазирлиги бу айбловни қатъиян рад этди.**

### ЖАНУБИЙ АФРИКА АНЖУМАНИ

Намибияда Жанубий Африка мамлакатларининг Иккинчи Халқаро Конгресси давом этмоқда. Унда 20 га яқин давлатнинг 400 дан зиёд вакиллари иштирок этмоқдалар. Жанубий Африка мамлакатлари Конгрессида Жанубий Африка давлатларининг ўзаро сиёсий ва иқтисодий алоқаларини ривожлантириш масалалари муҳокама этилмоқда.

### ЭЗГУ ДАЪВАТ

**Япония ташқи ишлар вазири Кейдзо Обути Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ишига ўз ҳукумати кўмагини таклиф этмоқда. Обути Ҳиндистон ва Покистон ташқи ишлар вазирларини ўзаро муносабатларни яхшилаш музокараларини ўтказиш учун Токиога таклиф қилди. Бу таклифга ҳозирча фақат Покистон ҳукумати кўнди.**

### НИҲОЯТ, СУЛҲ ТУЗИЛДИ

Гвинея-Бисауда давом этаётган жанглар тўхатилди. Президент Виейра ҳамда собиқ ҳарбий қўмондони Ансуман Мане тарафдорлари ўртасидаги қуролли тўқнашувлар вақтинчалик тўхтатиб қўйилган. Бунга сабаб ҳукумат ва унга қарши қуролли исён кўтарган ҳарбий қўмондон ўртасида тинчлик битими имзоланди. Ҳозир Гвинея-Бисауда ана шу битимни ҳаётга тадбиқ этиш жараёни бошланди.

### ТЕРРОРЧИЛАР ХУРУЖИ

**Мексиканинг Оахака штатида бир гуруҳ қуролланган террорчилар ҳарбий қисмлардан бирига ҳужум қилдилар. Отишма оқибатида икки аскар яраланган. Террорчилар қочишга муваффақ бўлишган. Тергов идораларининг гумонига қараганда, ҳужум уюштирганлар Мексикадаги «Халқ инқилоби» ҳаракатининг вакилларидир.**

### ОЛИЙ МАРТАБАЛИ АЁЛЛАР УЧРАШУВИ

Африкадаги Гана мамлакатининг пойтахтида Ғарбий Африка давлатлари раҳбарлари рафиқаларининг ўзига хос учрашуви бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари турмуш ўртоқларининг анжуманида Ғарбий Африкада авж олиб кетган маҳаллийчилик асосидаги можароларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилди. Ғарбий Африка бошлиқлари рафиқаларининг учрашуви аньанавий тусга кириб бормоқда. Шундай учрашувнинг биринчиси 1997 йили Нигериянинг Абужа шаҳрида бўлиб ўтган эди.

**«Жаҳон» ахборот агентликлари хабарлари асосида**

*Изҳори дил*

# ВАТАН - САЖДАГОҲ, ОЗОДЛИК УНИНГ ХАЛҚИГА БЕРИЛГАН БАХТДИР

**1. Истиқлол Сизнинг тақдирингизда.**
**2. Мустақилликнинг еттинчи йили, қандай ўзгаришларни ҳис этаяпсиз?**
**3. Мустақил она-юртнинг эртанги кунини қандай тасаввур қиласиз?**

**Қаҳрамон АЛИМБОЕВ,**
**Тошкент вилояти Қибрай тумани Р. МУСАМУҲАМЕДОВ номли жамоа хўжалиги раиси.**

1. Истиқлолга эришиш бахти йигирманчи аср сўнгида бизга насиб этди. Аслида унга эришиш йиллар давомида миллатимиз қонида, қалбида кўз очолмаётган булоқдек қайнаб турди. У доимо миллат томирларида оқиб тураверди. Озодликка ташна дилларни суғорди. Миллатимиз, халқимиз каби истиқлол менинг ҳам тақдиримни ёритди. Нурафшон йўл кўрсатди. Ўзбек халқи фақат меҳнат қилиши эмас, меҳнат қилиб фаровон ҳаёт кечириши мумкинлигини ҳаётда ўз аксини топди.

Юртбошимизнинг оқилона раҳнамолиги, халқига бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, халқимизнинг эса фидойилиги туфайли етти йилдирки юртимиз тинч-омон. Шу асно мустақилликнинг пойдевори янада мустаҳкамланмоқда. Халқимиз қатори менинг тақдиримда ҳам истиқлолни кўриш, унда меҳнат қилиш насиб этганлигидан ғурурга тўламан.

2. Баъзан ойнаи жаҳонда собиқ иттифоқ республикаларида бўлаётган воқеалар, ўзаро низолар, иш ташлашларни кўриб, энг аввало юртимга, унинг халқига тинчлик тилаб тураман.

Ўтган давр мобайнида шаҳар ва қишлоқларимиз беқиёс даражада ўзгариб, яшнаб-яшариб кетди. Хизмат кўрсатиш турлари қишлоққа кириб келди. Халқ тафаккурида ўзгаришлар кўлами ҳам ниҳоятда кенг. Бир сўз билан айтганда қишлоққа тараққиёт кириб борди. Бу мустақиллик мевасидир. Ижтимоий соҳа объектлари қурилишлари кўлами кенгаймоқда. Бизнинг хўжалигимиз меҳнат аҳли асосан боғдорчилик ва сабзавотчилик билан шуғулланади. Бу йил хўжалигимиз бўйича 25 миллион сўм соф фойда олишни кўзламоқдамиз. Бунинг жуда кўп қисми деҳқонларимизни ижтимоий муҳофазалаш ва маданий-маиший иншоотлар қуришга ишлатилади. Хўжалигимиз ижтимоий соҳада ҳам турли хил корхоналар билан ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан «Шампан-Холдинг» акциядорлик жамияти билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон андозаларига мос қилиб чиқариш йўлида иш олиб бормоқдамиз. Бундан етти йил олдин булар қайси деҳқоннинг ҳаётида бор эди? Бу албатта истиқлол шарофатидандир.

3. Қайси бир инсон ўз ҳаётини обод, тўлатўкис қилиб яшашга интилмайди дейсиз. Ўз Ватанингни озод, обод кўришдан ортиқроқ бахт ҳам йўқ.

Умр оқар дарё. Истиқлол туфайли берилган озодликни асрашга, мустақилликни мустаҳкамлашга бутун вужудим, бор ғайратимни ишга солганман. Қанча умрим, қанча ғайратим бўлса истиқлолга бахшида.

Бу Ватан - саждагоҳдир, озодлик бизга берилган бахт. Уни асраб-авайлаб фарзандларимизга бермоқни халқим каби бурчим деб биламан.

*Ўзбекистон ва жаҳон: иқтисодий ҳамкорлик*

# ҲОРМАНГ ЭНДИ, «ПРОКТЕР ЭНД ГЕМБЛ»!

**27-29 июль кунлари Ўзбекистонда Америка Қўшма Штатларининг оламга машҳур «Проктер энд Гембл» компанияси вакиллари меҳмон бўлдилар. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ қабулида бўлдилар.**

**Аввало, мазкур компания хусусида икки оғиз тўхталсак. «Проктер энд Гембл» компанияси 1837 йили йирик сармоядорлар Вильям Проктер ҳамда Жеймс Гембл томонидан ташкил этилган. Бугунги кунга келиб у дунёдаги энг йирик трансмиллий компаниялар сафидан ўрин олган. Ўз маҳсулотларини жаҳоннинг 140дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилади. «Проктер энд Гембл» компанияси ҳар йили ўртача 36 миллиард долларлик маҳсулот сотади. Шундан йилига 3,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида соф фойда кўради.**

«Проктер энд Гембл» ерлиги билан бутун дунёга машҳур бўлган тозалаш ашёлари — «Ариель», «Тайд», «Айс», «Комет», «Фэри» кабилар, инсон гигиенаси учун ўта зарур бўлган «Олвэйс», «Тампакс», «Памперс» каби маҳсулотлар, «Камей», «Сэйфгард», «Пантин», «Хэд энд Шоулдэрс» каби пардоз буюмлари, «Бленд-а-мед», «Колгейт» каби тиш пасталари мавжуд. Бу маҳсулотлар узсифатлилиги ва инсон учун ўта фойдалилиги билан ажралиб туради. «Проктер энд Гембл» маҳсулотлари яқин беш-олти йилдан бери Узбекистон бозорини ҳам обод этмоқда.

1995 йилда Тошкентда «Проктер энд Гембл» компаниянинг Марказий Осиё бўйича бош ваколатхонаси очилди. Мазкур ваколатхона компания билан Марказий Осиё давлатлари, биринчи галда Ўзбекистон ҳамкорлигини кенгайтириш, ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли муносабатларни ривожлантириш ишлари билан шуғулланади. Тошкентда компаниянинг ваколатхонаси очилганидан то ҳозирга қадар Ўзбекистонда «Проктер энд Гембл»нинг 50 миллион долларлик маҳсулотлари сотувга чиқарилди.

Ана шу машҳур компания, Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкорларидан бири бўлган «Проктер энд Гембл» вакиллари мамлакатимизда уч кун меҳмон бўлдилар. Мазкур делегацияга «Проктер энд Гембл» компаниясининг Европа, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари бўйича Президенти жаноб Херальд Айнсманн бошчилик қилди. Меҳмонлар Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қабулида бўлдилар.

Қабул чоғида давлатимиз раҳбари «Проктер энд Гембл» ва, умуман, АҚШнинг йирик компаниялари билан Узбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётганига мамнунлик изҳор этди. «Проктер энд Гембл» компанияси Узбекистонга янги келган компания бўлмаса-да, ҳар қалай, икки томон ҳамкорлигининг бутун самаралари ҳали олдиндалигини, бу ҳамкорлик истиқболли эканлигини таъкидлади.

— Узбекистондаги иқлим шароити ва аҳолининг 55 фоизини болалар ташкил этишини ҳисобга олсак, «Проктер энд Гембл»нинг инсон саломатлиги ва шахсий гигиенаси учун катта аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлари биз учун жуда керак эканлигига амин бўламиз, — деди Президент Ислом Каримов мулоқот чоғида. — Компаниянгизнинг Узбекистонда кўрсатган фаолиятининг ута қисқа даврида бу маҳсулотлар халқимиз ҳаёт тарзига чуқур кириб борди. Элимиз «Проктер энд Гембл» маҳсулотлари ҳақида ҳурмат ва ишонч билан сўзлайдиган бўлди.

Чиндан ҳам, Узбекистонда «Проктер энд Гембл» компанияси машҳур бўлиб кетди. Боз устига, мазкур компания қатор хайрия тадбирларини ҳам амалга ошириб, элимизнинг янада катта ҳурматига сазовор бўлмоқда. Жумладан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда компания усмирларнинг шахсий гигиенасини таъминлаш ва оғиз бўшлиғидаги касалликларни бартараф этишга қаратилган махсус хайрия дастурини ҳаётга тадбиқ этмоқда.

Тошкентдаги «Соғлом авлод учун» жамғармаси биносида бўлиб ўтган компания делегацияси ва жамғарма раҳбарияти ўртасидаги учрашувда ана шу дастурни янада такомиллаштириш ва ҳаётга самаралироқ тадбиқ этиш, ҳамкорликнинг янги қирраларига асос солиш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, компания делегациясининг раҳбари жаноб Айнсманн Узбекистондаги хайрия жамғармаларига «Проктер энд Гембл» томонидан ёрдам маблағлари ажратилиши, қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиётига йирик сармояларни киритиши ҳақида хабар берди. Бу ниятлар амалга ошадиган бўлса, Узбекистон бозорига кириб келаётган хориж сармоялари оқими янада кенгаяди, иқтисодиётимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшилади. Зеро, «Проктер энд Гембл» дунёдаги энг бой компаниялардан бири. Бу компания билан ҳамкорлик қилган давлат кам бўлмайди.

**Хайрулло НУРИДДИНОВ,**
**шарҳловчи**

*Хурматли муштарийлар! Йилнинг қолган қисми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!*

*Истиқлол шарофати*

# «ГЎЗАЛЛИК-САХОВАТДАН БОШЛАНАДИ»

Жамолиддин НАЖМИДДИНОВ,

**Ўзбекистон Республикаси миллий реабилитация марказининг бош директори.**

**- Жамолиддин Юсупович! «Гўзаллик-саховатдан бошланади» деб Яссавия тариқатига хос бир ажойиб фикрни ёдимга солдингиз. Чиндан ҳам инсон моҳият-эътибори билан доимо гўзалликка муҳтожлик сезади. Олижаноблик, эзгулик, яъни гўзалликни мадҳ этувчи турли хил тариқатларнинг Туркистон ҳудудида дунёга келиши ҳам бежиз эмас.**

- Яссавийни оласизми, Термизийни оласизми, Бухорийни оласизми ҳамма-ҳаммаси, жумладан, ҳазрат Соҳибқирон, Навоий, Беруний, Улуғбек, борингки ҳазрат Қодирийгача фақат ва фақат гўзаллик-саховатнинг тантанаси учун курашдилар. Минг афсуслар бўлсинким қарамлик давримизда мана шу улуғ нарса фақат тилларда гапирилди, ёзилди, ҳатто шиорга ҳам айлантирилди, аслида эса бошқача манзара, яъни халқни бир-бирига ёв қилиш, саховатдан четлаштириш манзараси содир бўлар эди. Миллатимиз ўз жигарларига ҳам саховат кўрсатишга ийманарди, ҳатто қўрқарди. Қизиқ-да, бутун умр миллатга саховат кўрсатган Яссавий, Темур ҳазратлари ҳақида гапириш таъқиқланганди. Кўпчилик «мустақил» деган улуғ сўзнинг мазмунига тушуниб етмади. Саховат тариқатлари вакиллари, ҳазрат Соҳибқиронга тўғри талқин берилиши, саховатнинг тўла-тўкис тараннум этилиши, ўтмишимизга тўла қайтишимиз, яъни ўзлик, ўзлигимизга қайтишимиздек бойлик йўқ. Бу улуғ давлатдир. Ота-боболаримиз, яъни қулоқ сифатида тугатиб ташланган миллатимизнинг гуллари доно ва саховатли бойларимиз ҳар куни, ёки ҳафтада бир марта қозонларда ош дамлашиб халққа беминнат улашишганини ёки қаровсиз қолган гўдакларимизнинг қўлини ҳалоллаш тўйларини ҳам қилиб беришганини биламиз. Мустақилликка эришганимиздан кейин саховат кўрсатишга бўлган диққат-эътибор беҳад кучайди. Жумладан, бунга мисол қилиб 1997 йил 2 апрелда Ижтимоий таъминот вазирлигининг буйруғи билан Ўзбекистонда ногиронлар меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш илмий текшириш институти ҳамда унинг клиникаси негизида ЎзМРМ ташкил этилганини кўрсатиши мумкин.

**- Шу ўринда жиддийроқ тўхталсангиз.**

- Илгариги институт ногиронларнинг меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш илмий-текшириш институти ҳамда клиникаси ногиронларни тиббий кўрикдан ўтказиш меҳнат эксперт комиссияси бўлиб чекланар эди. Унда терапия ва жарроҳлик бўлимигина мавжуд эди. ЎзМРМ таркибида эндиликда 10 илмий бўлим бор, шунингдек ёрдамчи бўлимлар ҳам ташкил этилган. Ногиронларнинг касбий реабилитациясини йўлга қўйиш учун Миллий Марказ қошида «Ижодкор», «Ортопротез маҳсулот» кичик корхоналари бўлиб, Андижонда касб ўргатиш учун ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолият кўрсатаётир.



Маълумки, бирон-бир фалокат оқибатида гоҳо кимлардир оёқларидан, кимлардир қўлларидан жудо бўладилар. Кимлардир белидан ажралади. Гоҳо туғма ҳоллари ҳам учрайди. Уларни рўйхатга олишда биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳларга бўлинади. Бу ногиронлар нафақа олишлари билан бирга доимий назоратда ҳам туради. Ҳукумат уларнинг ижтимоий таъминоти билан шуғулланади. Соғлиқларини тиклаш билан бирга, уларнинг баъзиларини, яъни меҳнатга яроқлиларини ишга жалб қилиш масаласини ҳам кўради. Юқорида гап гўзаллик ҳақида кетганди. Гўзаллик кенг маънодаги тушунча. Табиатнинг кўринишигина гўзаллик эмас. Инсоннинг мукаммал яратилиши, унинг меҳнатга мойиллиги, яъни меҳнат қилиб гўзаллик яратиши-тарих, адабиёт, санъат, турли ёдгорликларни яратиш тушунчаси жамланганда бир бутун гўзаллик пайдо бўлиши мумкин. Ногиронлар ишламасалар, фақат нафақа олиб ётсалар, бундай кишилар узоқ яшамайдилар. Инсон доим ҳаракатда бўлиши керак. Доим фаолият кўрсатиши керак. Шу нуқтаи-назардан қараганда Миллий Марказнинг мақсади ҳам ногиронларни даволаш, соғлиғини тиклаш билан бирга, меҳнат фаолиятини ҳам юзага чиқаришдир. Масалан, 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари ўзларига лойиқ меҳнатни бажариши мумкин. Еки кўзи ожизлар... улар ҳам кўп ишларни бажаришлари мумкин. Ногиронларни ҳимоя қилиш билан бирга уларнинг меҳнат вазифасини тиклаш олдимиздаги асосий масала бўлиб турибди. Миллий Марказ қошида катта шифохона бор. Бу ерда беморлар даволанади. Уларга сунъий оёқ, қўллар ва турли камарлар тайёрлаб берамиз. Бу нарсалар асосан Тошкент шаҳрида тайёрланади. Ҳозир шифохонамиз қошида мана шундай нарсаларни тайёрлайдиган цехни қуришга киришдик. Яқин орада ишга туширамиз. Беморлар шу ерда даволаниб, зарур ортопедик мададни ҳам оладилар. Собиқ Иттифоқ даврида ногиронлар фақат тиббий меҳнат экспертиза комиссияси текширувидан ўтганидан сўнг деярлик ишсиз қолар, у билан ҳеч кимнинг иши бўлмас эди. 1-2 гуруҳларга «ишга яроқсиз» деб ёзиб бериларди. Натижада бу ногиронларни бирор ташкилот ишга қабул қилмас эди. Ҳатто 3-гуруҳ ногиронлари ҳам иш тополмай сарсон бўлиб юрарди. Энди эса марҳамат, ҳар уччала гуруҳ ногиронлари ҳам ишлашлари мумкин, маошларини олишлари мумкин. Асосий масала эса ногиронларнинг меҳнат фаолиятини тиклашдан иборатдир. Яъни, ногироннинг соғлиғини тиклаб ишга солиш ва бу билан тўла инсонийликка қайтаришдир. Бу билан давлатимиз ҳам, ногироннинг ўзи ҳам ютади. Ишлайди. Ишлагандан кейин эса қалбан, ҳам жисмонан ногиронликдан қутилади. Халқ қанчалик соғлом бўлса, ўша давлат ҳам соғлом ҳисобланади. Миллий Марказнинг 2000 йилгача мўлжалланган дастури бор. Шу йил куз ойларида Тошкентда ногиронларнинг соғлигини сақлашга бағишланган Халқаро симпозиум бўлади. Бундан ташқари, Америкада яшайдиган корейслар Тошкентда ногирон болаларни шифолайдиган «Енгранг» деб аталмиш Марказни қуришга киришишди. Функционал диагностика бўлимида беморларга ташхисни аниқ қўйиш учун замонавий жиҳозлар мавжуд. УЗИ экотомограф аппарати жигар, буйрак, ошқозон ости бези, бачадон, генетик аъзолар, эндокрин аъзолар, қалқонсимон без, сут бези ва бошқаларни аниқлаб беради. Компьютерли кардиограф-ЭКГ аппарати эса юрак ишемия касалликлари, ревматизм, қон босими касалликларини белгилаб, шифокорга беморга аниқ ташхис қўйиб даволашга катта восита бўлади. Мазкур аппаратлар асосан Германия, Японiядан келтирилган. Ҳаммага маълумки, бу жиҳозларни ватанимизга олиб келиш жуда қимматга тушади.

Миллий Марказимизда 100 дан ортиқ олий ва ўрта махсус тиббий ходимлар хизмат қилади. Улардан 5 нафари тиббиёт фанлари доктори, 9 нафари тиббиёт фанлари номзодлари. Фан докторларидан Улуғбек Эшонхўжаев, Темур Жамолов, фан номзодларидан Абдусамат Абдусаломов ва клиника раҳбари, даволаш ишлари бўйича ЎзМРМ ўринбосари Миржалол Саидов, ҳамширалардан Гулнора Муҳаммедова, Турсуной Зоҳидоваларни фахр билан тилга олиш мумкин. Ўтган инсон манфаатлари йилида Қорақалпоғистонда, Навоий, Жиззах, Тошкент вилоятида ногиронларини реабилитация қилиш марказлари ташкил этилди. Бундай Миллий Марказлар ҳамма вилоятларда мавжуд. Худо хоҳласа, давлатимизнинг мурувватти билан Миллий Марказ учун янги бино қурилиб, фаолият кўрсата бошлайди. Умуман олганда ногиронларни реабилитациялаш Миллий Маркази деярлик янги соҳа. Инсоният бу масалага энди-энди жиддий ёндашди. Бу соҳа табиийки бундан буён янада ривожланади. Биз ногиронларга саховатимизни аямаймиз. Чунки бу ишга мустақил давлатимиз, мустақил халқимиз саховат қўлларини чўзиб турибди.

Суҳбатдош: Усмон АЛИ.

## ТАДБИРКОРГА КЕНГ ЙЎЛ



***Мустақиллик туфайли мамлакатимизда ишбилармон ва тадбиркорларга кенг йўл очилди. Уларнинг ҳаракатлари туфайли савдо расталари, магазин пештахталари турли-туман товарлар билан тўлиб бораётир.***

***Мингбулоқ туманидаги «Матлуботсавдо-компания»сига қўплаб йирик хўжаликлар кирган. Бу ерда нон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.***

***Ишни улар ташландиқ бинони таъмирлаб замонавий асбоб-ускуналарни ўрнатиш билан бошладилар. Ҳозирги кунда ҳиссадорлар йилига миллион шартли банкадан зиёд ўта сифатли маҳсулот тайёрламоқдалар. Завод ва унинг ёрдамчи сабзавотчилик хўжалиги ишга тушиши туфайли 120 киши ишли бўлди.***

**Суратда: цех мудири А.Тошбоев ва технолог Н.Турсуновлар маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.**

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) суратга олган.

*Мустақил юрт шиори: «Ҳамма яхшиликлар болаларга»*

# БОЛАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Биз у ёки бу муносабат билан шундай шиорларни кўп айтамиз. Аммо айтишларимиз моҳиятини айнан шу гапни тасдиқ этувчи ҳақиқатларга дуч келсак, чуқур ҳис этамиз.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернига қарашли Ю.А.Гагарин номли болаларни соғломлаштириш оромгоҳида бўлганимизда шундай фикрлар хаёлимиздан кечди. Оромгоҳ сўлим Бурчмулла бағрида жойлашган. Болалар ётоқ жойлари осмонларга ёндош тоғларга рўбарў. Ҳаводан минг бир хил кўкатлар ҳиди уфуради, атроф салқин, тоза! Оромгоҳ раҳбари Анна Викторовна Логиновадан тортиб, ошпаз, фаррошларгача сергак. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни касаба уюшмаси раиси Ғуломжон Ҳакимовнинг айтишига қараганда, оромгоҳда ҳар мавсумда шу муассасага тегишли ишчи, хизматчи, ижодий ходимларнинг 1000 дан зиёд фарзандлари ҳордиқ чиқарар экан. Ота-оналардан йўлланма ҳақининг атиги ўн фоизигина олиниб, қолганини касаба уюшмаси тўлар экан. Бир бола нари-бериси 1000 сўмга бир ойга яқин мана шу афсонавий масканда яшаб, куч-қувват йиғар экан. 7-8, борингки 11-12 яшар болаларнинг ҳам ота-она бағридан узоқда яшаши осон кечмайди. Уларни оромгоҳда қандай куч, қай тарзда ушлаб туради? Биз юриш-туришидан ўта серғайратлилиги сезилиб турган тарбиячилардан бири Гулнора Иноғомова билан суҳбатлашдик.

Болалар билан учрашув байрам менга. Ўзимнинг икки фарзандимни ҳам олиб келаман.

Уч ёздан буён такрорланади бу байрам менга.

Оромгоҳимизда болалар фақат дам олишмайди. Улар ҳар куни, ҳар соатда шакллана боради, яъни бола тарбиясида ҳар дақиқа ғанимат. Шунинг учун вақтни бой бермаймиз-да, жисмоний чиниқтириш, Ватанимизнинг дилбар манзарали жойларини кўрсатиш; тарихи, табиати билан таништириш учун ҳаракат қиламан. Болалар гўё кўргазмали сабоқ оладилар.

**- Ҳар хил оилада тарбия кўрган, турфа феъл-атворли болаларни бундай тадбирларга бирлаштириш мураккаб эмасми? Ахир, Сизнинг вақтингиз зиқ, тез ўрганиб, тез ишлашингиз керак?**

- Болалар - дунёдаги энг покиза инсонлардир. Уларни ростдан яхши кўрганингни билса бас, уёғи осон. Улар қалбаки меҳр, ёлғон сўзга чидамайди. Меҳр бирлаштиради уларни. Керак пайтида қаттиққўллик ҳам қиламиз. Муҳими, болаларда бу ерда илк бор мустақиллик ҳиссиёти, ўзи учун, ўз буюмлари, ўз ҳатти-ҳаракати учун маъсулият туйғуси уйғонади. Ҳар хил маҳалла, мактаблардан келган фарзандларимиз бир-бирлари билан дўстлашадилар, жамоат ичида ўзини қандай тутса яхши-ю, қандай тутса, ёқимсиз - шуларни таҳлил қилади, хулосалар чиқаради.

Биз кичкинтойларимиз қувончи учун жон куйдираётган барча кишиларга миннатдорчилик билдириб, улар ишини яна ҳам мукаммалроқ, миллийроқ, ҳар бир ҳаракатидан «Биз Ўзбекистон болаларимиз» деган маъно кулгувчи бир қиёфада кўргимиз келди.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

## ХУСУСИЙ ИНШООТЛАР ФОЙДА КЕЛТИРАДИ

**Иқтисодиётда кўптармоқли мулкчиликни барпо этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий механизмидир,- дейди Республика Кўчмас мулк биржаси Навоий филиалининг директори Фазлиддин МИРЗАЕВ.**

- Бугун иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишнинг иккинчи босқичига ўтиш жараёнлари давом этмоқда. Жисмоний ва хусусий тадбиркорларга қулай имкониятлар яратилмоқда. Шу йўналишда корхона ва ташкилотлар иншоотларни давлат тасарруфидан чиқариш, тадбиркорлар сонини кўпайтириш дастурини босқичма-босқич амалга ошириб келаяпмиз.

Йил бошидан буён шаҳар ва туман солиқ инспекциялари томонидан 30 та мулк сотилиб, давлат бюджетига 8280000 сўм маблағ туширилди. «Иш муаммосиз бўлмайди», деганидек биржа ходимлари ҳам баъзи бир йўналишларда тўсиқларга дуч келмоқдалар. Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда Давлат мулки қўмитасининг қарор ва топшириқларини бажариш борасида, айниқса, уй-жой ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун ер майдонлари сотишдаги муаммоларимиз ҳалигача ўз ечимини топмай қолмоқда. Ер майдонлари ажратиш тўғрисида Вилоят Ҳокимлиги, туман ва шаҳар ҳокимликларига бир неча бор мурожаат қилдик. Қилаётган ҳаракатларимизни барчаси эътиборсиз қолиб кетмоқда. Вилоятдаги давлат солиқ инспекциялари томонидан сотувга берилаётган автотранспорт воситалари савдо ўтганидан сўнг, мулкдорларга тўла етмасдан сотувчи ташкилот ходимлари томонидан талон-тарож қилинишига йўл қўйилмоқда. Бу хўжасизлик эса мулк олмоқчи бўлаётган харидорларда иккиламчи биржа ходимларига нисбатан ишончсизлик кайфияти туғилишига олиб келмоқда. Солиқ ходимлари мулкни эгасига тўлалигича топширишда бевосита иштирок этсалар натижаларимиз яна ҳам самаралироқ бўлар эди.

Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ, «Ишонч» мухбири ёзиб олди.

*Касаба уюшма ҳаёти: ижтимоий ҳимоя*

# МУЛК ШАКЛИ ЎЗГАРДИ

***Ўзбекистонимиз истиқлоли ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳада янгиланишлар учун катта имкониятлар очди. Илгари халқ хўжалигининг деярлик барча соҳаси фақат давлат тасарруфида бўлган бўлса, эндиликда уларнинг асосий қисми ўз эгасини топмоқда. Бундай шароитда ишловчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш борасида касаба уюшмалари зиммасидаги бурч ва вазифалар ҳар қачонгидан ҳам ошади. Мухбиримизнинг савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмалари Наманган вилояти қўмитасининг раиси Шарофатхон Зокирова билан мулоқоти шу мавзуда боради.***

**- Тармоқда мулк шакли ўзгарди. Давлат кооператив мулкчилигининг салмоғи камайиб хусусий, жамоа, ҳиссадорлик каби мулк шакллари пайдо бўлди. Давр тақозоси билан вужудга келган бундай янгиланишлар тармоқ касаба уюшма қўмитаси фаолиятида қандай бурилишлар ясади?**

- Ҳақиқатан мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган иқтисодий ислоҳотлар касаба уюшмалари фаолиятида ҳам туб бурилишларни келтириб чиқарди, десам муболаға қилмаган бўламан. Бинобарин, ўтган йилларда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофазалашда, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, иш берувчилар билан иш ташкил қилиш ва инсон манфаатлари йили ҳукумат Дастурини бажаришда бир қанча ишлар рўёбга чиқарилди. Касаба уюшмалари ўз фаолиятини ана шу ўзгаришларга мослаштирмоқда, ҳар қанча янгиланишлардан қатъий назар ишловчи манфаати ҳимояси бош вазифа бўлиб қолмоқда.

**- Тармоқдаги иқтисодий ўзгаришлар хусусида қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

- Маълумки, жамоа мулки вилоятимизда асосан «Намангансавдо» тизимида шаклланган бўлса, ҳиссадорлик жамиятлари вилоят матлубот кооперацияси негизида вужудга келди. Вилоят матлубот кооперацияси қошида 52 та, «Намангансавдо» концерни тизимида эса 3 та, ҳаммаси бўлиб 55 та ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этилди. Бу жамиятларнинг барчаси очиқ турда бўлиб улар «Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги 1993 йилнинг 2 сентябридаги қонун асосида дастлабки номинал қиймати 100 сўм бўлган акцияларни чиқардилар. Изоҳи билан ифодалаб ўтганда акция бу акциядорлик жамиятининг устав фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳисса қўшганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи, унга дивидент олиш ва қоида тариқасида мазкур жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қиймматли қоғоздир.

**- Шарофатхон, юртбошимиз қайта-қайта ўз маърузаларида таъкидлаб келаётганларидек, ҳар қандай ислоҳотдан бош мақсад ишловчи манфаатдорлигини оширишдан, турмуш фаровонлигига эришишдан иборат бўлмоғи керак. Шундай экан, юқорида сиз айтиб ўтганингиздек, мулк шаклининг ўзгарганлиги ишловчига нима берди ёки бераяпти?**

- Бозор муносабатларига ўтилиши, амалга оширилаётган ислоҳотлар, мулк шаклининг ўзгариши дарров ўз самарасини бериши қийин албатта. Бунинг учун маълум вақт талаб этилади. Тўғри, жойларда дастлабки натижаларга эришилаётганлиги кишини қувонтиради, аммо ҳали муаммолар ҳам мавжудлигидан кўз юмиб ўтиб бўлмайди. Масалан, ҳар бир ишловчининг, ёки касаба уюшма аъзосининг ҳиссадорлик жамиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганлиги, жамият мулкида ўз улуши борлиги, дивидент олиш ҳуқуқига эга эканлиги ислоҳотларнинг мақсад-моҳияти бўлса, рақобатга дош бера олмасдан синаётган, иқтисодий ночор аҳволдаги корхоналарда иш ўринлари қисқартирилиши оқибатида юзага келаётган ишсизлик кўнгилсиз ҳол бўлиб, бу, биз, касаба уюшма фаолларини жиддий ташвишга солмоқда. Демак, бундай шароитда биринчи навбатдаги вазифа ишловчи манфаатини ижтимоий ҳимоялашдан иборат бўлмоғи лозим. Бу мақсаднинг қонуний дастури эса жамоа шартномасидир. Касаба ташкилотларининг умумий вазифаларини Ўзбекистон касаба уюшмаларининг Низоми белгиласа, муайян корхона ёки ташкилотда унинг бевосита вазифаси жамоа шартномасида акс этади. Шундан келиб чиқиб амалдаги йилда соҳа меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида 140 тага яқин жамоа шартномаси тузилган ва шунга мувофиқ иш олиб борилмоқда.

**- Шу кунда тармоқдаги ишловчилар аҳволи, жамоа шартномаси бераётган натижалар ҳақида тўхталсангиз.**

- Жорий йилнинг ўтган даврида ишловчиларга берилган иш ҳақининг ўртача миқдори ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада ўсган. Маошларни вақтида бермаслик ҳолатлари камайган. Иш ҳақларини кечиктирмасдан тўлаб борилиши долзарб масала бўлиб иш берувчилар билан ўтказилаётган кўплаб музокаралар натижасида бу борадаги узилишларга барҳам берилмоқда. Чунончи, ушбу йўналишдаги шикоятлар ўтган йилга нисбатан 80-90 фоизга камайган. Чуст, Учқўрғон, Мингбулоқ туманларидаги ҳиссадорлик жамиятлари, «Баққоллик» «Гўшт-сут», «Китоб савдоси» ҳиссадорлик жамиятларида ўртача иш ҳақлари миқдори юқори бўлишлиги билан бирга ўз вақтида тўлаб борилиши таъминланмоқда. Минг афсуслар бўлсинким, айрим ташкилотлардаги тўлиқ ишламаслик, бекор туриб қолишлик, молиявий тахчилликлар жамоа шартномалари айрим бандларининг бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда. Масалан, «Намангансавдо», Наманган агрофирмасида, Норин ҳиссадорлик жамиятида иш ҳақлари тўланиши уч-тўрт ойгача чўзилган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маошлар масаласида муаммолар мулкчилик шаклига қараб эмас, балки улардаги бошқарувнинг қай тариқа йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Масалан, «Китоб ва маданий моллар савдоси» ҳиссадорлик жамияти, «Гўшт-сутсавдо» давлат корхонаси каби турли мулк шаклларидаги икки корхонада иш ҳақларининг ўртача миқдори вилоят кўрсаткичидан 2-3 баробар юқори. Ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасида ҳам намунали ишлар олиб борилмоқда. Аммо Янгиқўрғон, Поп, Норин туманлари умумий овқатланиш корхоналарида бу борадаги кўрсаткич ғоят пастлигича қолаётганлиги ачинарли ҳолдир. Хусусий фирмаларда ҳам иш ҳақлари талабга жавоб бермайди. Улар ишидаги мунтазамсизлик, беқарорлик ходимларга уч-тўрт ойлаб маошлар тўланмаслигига сабаб бўлмоқда.

**- Ҳиссадорлик жамиятларида ишловчиларнинг турмуш даражасини яхшилаш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида пуллик компенсациялар белгиланган. Касаба уюшмаларининг бу масалага муносабати?**

- Ҳиссадорлик жамиятларида ишловчилар учун ажратилган дивидентлар сиз тилга олган ана шундай манбалардан ҳисобланади. 1996 йил якунидан бошлаб олинаётган фойда ҳисобидан ҳиссадорларга дивидентлар бериб бориш йўлга қўйилди. Косонсой, Мингбулоқ, Учқўрғон туманлари, шунингдек, Заркент ҳиссадорлик жамиятларида ҳиссадорларга катта миқдорда дивидентлар тўланди. Бу масала жамоа шартномасига киритилганлиги учун касаба уюшмалари бу нарсани қаттиқ назорат қилиб бор ишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Биз бундан буён ҳам мулк шакли қандай бўлишлигидан қатъий назар ишловчилар манфаатини ижтимоий ҳимоялашни биринчи галдаги вазифамиз деб биламиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

***Сирдарё тумани «Малик» ширкатлар уюшмасида фермерлар сони йилдан йилга кўпайиб бораяпти. Фермерлар меҳнат натижалари чакки эмас. Аҳмад Содиқов 1992 йили фермерликка ўтган эди. Ўтган йиллар фермер учун самарали бўлди. Дон, гўшт, сут етиштиришда юқори натижага эришмоқда.***

**Суратда: фермерлар Болбек Қурбонов (чапдан) ва Аҳмад Содиқовлар.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ЕТТИНЧИ ЙИЛИ–ОИЛА ЙИЛИ

## ОИЛА даврасида

*Одамийлик сабоқлари*

## БУҒДОЙ ЕТИЛГАЧ

**Гапнинг индаллосини айтсам ушбу мақолани ёзиш ёхуд ёзмаслик ҳақида анчагача бир қарорга келолмай юрдим. Бу беқарорликнинг сабаби бор, албатта. Биринчидан, бундай воқеаларга кўпчилик гувоҳ бўлганлиги бўлса, иккинчиси... Келинг, чўзмасдан аввал бошдан ҳикоя қилиб бера қолай.**

Инсоният, йўқ нафақат инсоният, балки, бутун борлиқ - ҳайвоноту наботат, жамики мавжудоту махлуқот шундай яратилганки, улар бирга яшашга абадий маҳкумдир. Шулар орасида одамлар алоҳида эътибор билан яратилган. Агар ҳайвондан ўзининг тили ва онги билан фарқ қилувчи, фақат эзгу ишлар билан шуғулланувчиларни инсон десак, унда ўз падарига тиғ кўтарган, дўстини сотган ёхуд чақимчиликдан ҳузурланадиган кимсаларни қандай аташ мумкин?

Мен анчадан бери яхши танийдиган тўғри сўзли, ҳалол инсон айнан шу тўғри сўзлиги туфайли кимларгадир ёқмай қолди. У кўп вақт иш билан банд бўлиб ўғлининг тарбияси билан жиддий шуғулланолмаганлиги боис ўғил бебошроқ ўсиб, пул деса ўзини томдан ташлайдиганлар тоифасига кириб қолди. Бундан фойдаланган иғвогарлар унга пул ва бошқа қимматбаҳо нарсалар инъом қилиб ўғилни отага қарши қайрай бошладилар. Ота ҳақида шундай бўҳтонлар тўқишдики, ўғил «ота» дейишга ор қиладиган бўлди. Охир-оқибат чақимчилар гапига ишонган ўғил ўз отасини маънавий бузуқликда айблай бошлади. Ўзидан чиққан балога чорасиз қолган ота бу дардларга чидашга бардоши етмай касалликка чалиниб тез орада оламдан ўтди. Падаркуш номини олган ўғил эса пушаймон бўлиб қолаверди. Сўнги пушаймон эса...

Қачон шу воқеани эсласам Луқмони ҳаким ва илон тўғрисидаги ривоят эсимга тушади. Эмишким, Луқмони ҳаким бир хастанинг дардига илон заҳри шифо бўлишини айтиб, кичикроқ бир илонни бўғзидан бўғиб турса, илон иттифоқо тилга кириб: «Тўхта, эй ҳаким, Аллоҳ биз илонларни тубан қилиб яратди, аммо биз бир-биримизни чақмаймиз, сиз инсонларни мукаммал қилиб яратди, бироқ сиз бир-бирингизни чақасиз, ўлдирасиз. Сен жонини сақлаб қолмоқчи бўлган хастага менинг заҳрим даъво эмас, янглишма, уни ўз яқини чаққан. Одам заҳрига даво топа олмассан. Кўй, у ўлаверсин, азоблардан қутула қолсин» деган экан. Хаёлотнинг учқур саманлари мени олисларга олиб қочади, ўйга толаман, нега вазифаси чақиш бўлган илонлар бир-бирини чақмайди-ю, одамлар бир-бирини чақади, сотади. Нега ўша илонларнинг оғулари кўпгина дардларга даъво бўлади-ю, инсонлар бир-бирига малҳам бўлиши лозимлигини унутишади. Наҳотки инсоннинг илондан ўрнак олишига тўғри келса.

Ахир инсонларни ўзаро боғлаб турувчи восита - меҳр-оқибат, ёру дўстдан хабар олиш, одамийлик ришталари эмасми? Саъдий қалбидан сизиб чиққан қуйидаги сатрларни дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиганларга берилган тўғри таъриф бўлса не ажаб:

*Ўзгалар дардидан*
*эсанг беғам*
*Лойиқ эрмас сени*
*демак одам.*

Билмам, кўролмаслик, хусумат, чақимчилик, худбинлик, боқибеғамлик уруғлари қачон ва не сабабдан экилгану ва қачон йўқ бўлиб кетаркан. Чақимчилик кўнгилни яралайди, ул ярага малҳам топмоқ эса душвор. Хусумат кишилар қалбига душманлик туйғусини солади, ғазабни қўзғатади, ҳасадни алангалатади ва ниҳоят киши обрўсини тўкишгача олиб боради.

Чақимчилар ҳақида Ислом адабиётида ҳам кўпгина ибратли ҳикоят ва ривоятлар мавжуд. Нақл қилишларича, Сулаймон ибн Абдумалик исмли халифа бир кишига: «Сен менинг ҳақимда ёмон гаплар айтибмишсен»- дебди. Ҳалиги киши иқрор бўлмабди. Шунда халифа: «Менга айтган киши ростгўйдир, деса бояги киши, «Чақимчиларнинг ростгўйи бўлмагай» деб жавоб берибди. Шунда халифа «Рост сўзладинг, саломат бўл, бор кетавер», деган экан.

Барча замонларда илм аҳлига юксак иззат-икром кўрсатиб келинган. Лекин ростгўй кишиларнинг қадри ундан-да баланд бўлган. Аслида жамиятнинг ривожини ҳам кўпинча ўшалар белгилайдилар. Бизнинг эли ҳам Тангри таоло шундайлардан қисмаган. Улардан бири Алихон Тўра Соғуний ўз эсдаликларида шундай ёзадилар: **«Дунёда яшаган ҳар бир кишининг энг аямлик, қизғаниб сақлайдиган беш нарсаси бордир, биринчи- жони, кейингилари - дини, моли, оиласи, она Ватанидир».** Хўш, биз ўзини зиёли деб ҳисобловчи кишилар шу бештасидан қай бирини афзалроқ кўрамиз? Тан олиш керакки, олтинчисини - ўз ҳузуримизни кўзлаймиз. Аслида барча нопоклигу хусумат, чақимчилигу адоват ана ўша ўз ҳузуримизни кўзлаганимиздан, ўзгалар дардига беғамлигимиздан, шу жамиятда бошқа инсонлар билан бирга яшашга маҳкум эканлигимизни билган ҳолда уларга нисбатан лоқайдлигимиз сабаб эмасмикан?

Юқорида келтирганим мисолдаги ўғлини отага қарши қайраганларнинг бундай худбинликка боришларнинг боиси ҳам ҳалол, ростгўй отанинг уларнинг кирдикорларини фош қилганлиги эди. Улар ўз ҳузурларини ўйлаб шундай нокаслик, пасткашликдан ҳам қайтмадилар.

Ҳар жойда ўз «мен»имизни кўз-кўз қиладиган бўлсак, кайф сафода яшайман деб ўзгаларнинг жабр тортишини ўйламасак узоққа бормаслигимиз тайин. Ишдаги муваффақиятларга бировга хусумат, адоват, чақимчилик орқали эмас, ўқиш-ўрганиш орқали эришилади. Яна бир томони, қанчалик кўп нарсага эришсак шунчалик камтар бўлмоғимиз лозим. Зеро, буғдой (шоли) дони пишиб етилганда бошоқлар ерга эгилади.

**Озод РАЖАБОВ.**

## БОШОҚЛАР ЕРГА ЭГИЛДИ...

*Таниқли журналист Холида Аҳророванинг номи кириб бормаган хонадон йўқ. У бугунги кунда набиралари қувончини кўриб хурсанд.*

*Болаларингиз билан бирга ўқинг!*

## BIROVGA CHOH QAZIGAN, O'ZI YIQILADI

**(ertak)**

**Kunlardan bir kuni tulki bilan echkining orasidan qora mushuk o'tibdi. Ular orasida nizo chiqibdi. Shunda echki tulkiga qarab debdi:-«Seni shunday balolarga duchor qilayki, salomat qolishning ilojini topolmagin».**

**Tulki debdi: - Mayli, ko'ngling nima istasa shuni qilaver. Ammo shuni yaxshi bilginki, birovga yomonlik qilsang, o'zingga qaytadi.**

**Bir kuni echki sayohatga chiqibdi. Yo'lda yo'lbarsga duch kelibdi. Qattiq qo'rqibdi. Ammo qo'rqayotganini bildirmasdan kulib turib debdi: - «Xolajon, bu erda nima qilayapsiz?»**

**Yo'lbars shunday javob beribdi: - «Kichkintoyim betob bo'lib qoldi. Unga dori izlab yuribman».**

**Echki biroz o'ylab debdi: - «Bolangizga tulkining go'shti shifo bo'ladi».**

**Yolbars tulkini chaqirib kelishni buyuribdi. Echki tulkining yoniga borib, uni yo'lbars chaqirayotganini aytibdi.**

**Tulki yo'lbars qoshiga kelibdi. Undan qattiq qo'rqibdi. Qaltiroq ovozda debdi: -»Siz meni chaqirdingizmi?»**

**Yo'lbars: - «Ha, sal oldinroq echkini uchratgan edim. U bolamga tulkining go'shti shifo bo'lishini aytdi. Shuning uchun seni chaqirgandim».**

**Tulki debdi: - Echki to'g'ri aytibdi. Lekin go'shtimdan ham shifoliroq dori .bor. U dorini tayyorlash uchun har xil giyohlar va echkining shohi kerak bo'ladi. Siz agar echkining shohini keltirsangiz, ajoyib dori tayyorlab beraman.**

**Yolbars echkini izlab topibdi. Uni o'ldiribdi va go'shtini yeb shohini esa tulkiga keltiribdi.**

**Nodon echki birovga choh qaziganning o'zi yiqilishini bilmagan ekanda!**

**Bahriddin TURG'UNOV tayyorladi.**

*Биз ҳам бир ёндан...*

## ҲИКМАТЛАР

** Аввал таом, баъдаз калом.*
** Аввал ўз айбингни бил, кейин бошқадан кул.*
** Сўзни кўнгилда пишқармагунча тилга келтирма,*
*Ва ҳар не ким кўнгилда бор - тилга сурма.*

* * *

** Ажралган - ажриққа зор.*
** Туғилган элнинг тўрғайи ҳам яхши кўринади.*
** Айтган сўзни ютиб бўлмас.*
** Агар тилни асрамоқ кўнгилга меҳнатдур,*
*Аммо сўзни сийнамоқ бошга офатдур.*

* * *

** Айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно керак.*
** Арзон-беиллат эмас, қиммат-беҳикмат эмас.*
** Ариқ сувини лойқама, давлат молини чайқама.*
** Гарчи синиқ игна ҳаққуносдур,*
*Бағринг аро ханжари олмосдур.*

**А.Навоий.**

* * *

** Тирикликда азият торт, эзгулик фойдалидир,*
*Эгунинг кейин егулик (ва) кийгулик бўлади.*

* * *

** Аёз, ўтган кунинг унутма, эски чоригингни қуритма.*
** Улуғлуғқа тегсанг енгилма ўзунг,*
*Қоли кейсанг атлас унутма бўзунг.*

**А.Югнакий.**

* * *

** Ўзинг нобуд бўл, йўлдошингни қутқар.*
** Ўзинг сув ичадиган қудуққа тупурма.*
** Одам яхшиликка яхшилик қилади*
*Бирига жавобдан ўн ҳисса қилиб қайтаради.*

**Юсуф Хос Ҳожиб.**

*«Ишонч» маслаҳатхонаси*

## КОНСЕРВА ЁПИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Ёзнинг сахий неъматларидан қишда ҳам баҳраманд бўлиш учун ҳар хил мева ва сабзавотлардан консервалар ёпишга тўғри келади. Бу эса уй бекаларидан баъзи билимларни талаб қилади. Масалан, шиша банкалар янги бўлса уларнинг оғзи қийшиқроқ бўлиши ёки лаби учган, дарз кетган бўлиши мумкин, бундай банкалар консерва ёпишга яроқсиз бўлиб, баъзида уларга эътиборсизлигимиз туфайли консерваларнинг оғзи синиши ёки ундаги маҳсулот ачиб тез кунда отилиб кетиши мумкин.

Қопқоқни ёпаётганда жуда эҳтиёт бўлиб, ёпғичнинг ўртасини банкага маҳкам босиб туриб, ҳар айлантирганингизда ўнг қўлингиздаги дастакни анчагина куч билан доим қисган ҳолатда ўнг ёки чап томонга кичкина бурагични аста бураб, қисқоқ четларини букадиган мосламани сиқиб боравераси, албатта озгина сиқилган мослама бир вақтнинг ўзида бир неча марта катта дастакни айлантиришни талаб қилади.

Мосламани бирдан қаттиқ қисиб юборсангиз банка синиши мумкин, шунинг учун ҳар айлантирганингизда ёрғичи равон, бир текисда айлантириб, қопқоқнинг лаблари охиригача бир текис букилиб ёпилишига эътибор қилиб уни ўз вақтида тўхтатиш керак. Оғизлари сал дарз кетган ёки лаби учган банкаларни ташлаб юборманг, уларга тезгина етиладиган масалан, бодринг помидорларнинг майдасидан солиб меъёридаги туз ва сирка, зираворлар солиниб, тузланиб оғзига камрон қопқоқлар ёпиб қўйилса, анчагина сақласа бўлади. Лекин капрон қопқоқларни айрим маҳсулотларни узоқ муддатга сақлаш учун ишлатиб бўлмайди, чунки бундай маҳсулотларда микроб ва бактериялар кўпайиши учун жуда яхши шароит бор. Консервалар ёпишдан аввал яхшилаб пиширилиши ва улар оғзигача тўлдирилиши керак, акс ҳолда ярмигача тўлдирилган консервалар тез ишдан чиқади чунки, идишда керакгидан ортиқча ҳаво бўлиши микроблар учун қулай шароитлардан бири.

Консерваларнинг ишончли ёпилиши ва узоқ муддатгача айнимаслиги учун консерваланадиган идиш ва унинг қопқоқлари яхшилаб қайнатилиб, ёпиш жараёнидаги ҳамма ишлатиладиган асбоблар ва идиш ичига микроблар кириб қолмаслик чоралари доим эътиборда бўлиши керак, масалан, иш билан бўлиб консерва идишига маҳсулотни анчадан бери совиб қолган, ёки стерилизация қилинмаган бир чўмич ишлатиб юборсангиз, ёки қопқоқ ичи томонига бармоқларингиз тегиб кетса, бас, бу консервангиз узоққа бормайди, унда ўша чўмич ёки бармоғингиздан ўтган микроблар аста секин кўпайиб боради ва маҳсулотни ачитиб бузиб юбориши мумкин.

Умуман олганда бактерия ва микробларнинг кўпайишига ва яшашига сирка, туз, шакар ва ёғ миқдори консерваларда қанча кўп бўлса шунча ёмон таъсир қилади ва улар бундай шароитда аста секин ўла бошлайдилар.

Бироқ туз ва сиркани меъёридан ҳам кўп солиб бўлмайди, меъёридан сал ошса маҳсулот шўр бўлиб кетади. Қовурилган сабзавотларда ёғ, мевалардан қилинадиган қиёмларнинг шакари кўпроқ бўлса бундай консервалар унча-мунчага айнамайди. Шакар, ёғ танқисроқ вақтларда маҳсулотларни консерва қилишда уларнинг ўзларини ёғсиз ёки шакарсиз ёпиш мумкин, бундай ҳолларда стерилизация қоидаларига қаттиқ амал қилишда заррача хатога ҳам йўл қўймаслик керак, шунинг учун бундай серхаражат ишларга биринчи қўл ураётганда албатта биринчидан консерва ёпишга керакли ҳамма нарсаларни тайёрлаш ҳамда тажрибали киши ёрдамида иш бошланса, натижалар албатта яхши бўлади.

**Ёдгор ТУРЛИБЕКОВ.**

*Ёшлар - Мустақил юрт жамоли*

## ОИЛА БУТУНЛИГИ ЖАМИЯТ РАВНАҚИДИР

***Пойтахтимиздаги «Наврўз» номли бахт уйида йилига 4,5-5 минг келин-куёвларнинг никоҳлари тантанали равишда қайд этилади. Бу даргоҳ бугунги кунда катта ҳаёт бўсағасида турган ёшларнинг доимий қадамжоларига айланиб қолган. «Бахт уйи» директори Зумрад АКРОМХУЖАЕВА оила муқаддаслиги, ёш оилаларнинг хулқ-атвори ҳамда бу мезонларни ўзида мужассам этган ҳуқуқий пойдевор - мустақил республикамизнинг янги Оила Кодекси ҳақидаги мушоҳадалари билан ўртоқлашади.***

**- Зумрад опа, шиддатли ўзгаришларга бой бўлган давримизнинг ёшлари ҳақида оддий замондош сифатида қандай мулоҳазаларингиз бор?**

- Ёшлар ҳамма вақт жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиб келишган. Биз - катталар уларга доимо аллақандай хавотир ва улуғ умидлар билан қарашга ўрганганмиз. Чунки ҳаммамиз фарзандлар тимсолида келажагимизни кўргандай бўламиз. Бугунги «истиқлол мевалари» ҳақида гап кетганда, мен ботинимда бир нарсани чуқур ҳис қиламан: ёшларимиз давримиз сингари шиддаткор, ғайратли чиқишди. Бозор муносабатларидаги иқтисодиётда рақобат қанчалик устуворлик қилса, ижтимоий ҳаётда, хусусан ёшлар турмушида ҳам рақобат ҳиссиёти етакчилик қилмоқда. Бинобарин, ҳозирги ёш авлодда нуфузли билим юртларида ўқиб, малакали мутахассис бўлиб етишишга, жамиятда ўз ўрни, ўз овозини топишга интилиш кучлилиги сезилаётир. Мени айниқса вилоятлардаги, чекка овуллардаги фарзандларимизнинг саноат билан юзма-юз кела бошлаётгани, компьютерни ўзлаштираётганликлари беқиёс қувонтиради.

Ёшлар дарахтнинг ёш, яшил новдасига ўхшаган гап, қаерга буксанг эгилаверади. Шунинг учун ўсмир ёшларимизга ўз вақтида хайрихоҳлик билдириш, улар онгини ҳаётий зарур ғоялар билан қуроллантириш биз катталарнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Республикамиз Олий Мажлисининг XI сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги кўриниши тасдиқланганини бежиз эмас. Тараққиётнинг тинч ва демократик йўлидан бораётган Ўзбекистон учун ёшлар маънавияти, соғлом эътиқоди муҳим аҳамиятга эгадир. Бу масалада жамоат ташкилотлари, айниқса маҳалла қўмиталарининг таъсир кучини ошириш зарур. Ахир халқимизнинг «Бир фарзандга етти маҳалла ота-она» деган ажойиб нақлларини наҳотки унутилиб кетди? Водий томонда ваҳобийлик ҳаракатининг авж олиши, ёшлар маънавиятида салбий бурилишлар ясалишига оила қай даражада айбдор бўлса, маҳалла оқсоқоллари ҳам бирдек сабабчи ҳисобланади: нега маҳалла ҳар бир аъзосининг юриш-туришидан бехабар бўлади? Нега энди Тожикистон ёки бошқа нотинч ўлкалардан «экспорт» қилинаётган ғоялар маҳаллалар қўрғонини осонликча ёриб ўтишга қодир?

Президентимизни мазкур масалалар бекорга безовта қилаётгани йўқ. Зеро, келажак ёшлар қўлида экан, уларнинг шу юртга муносиб эгалик қилишлари учун бугундан замин тайёрлашимиз лозим.

**- Халқлар орасидаги интеграциялашув, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда алоқаларнинг кенг кўламда ривожланиши миллий қадриятларимиз, қадимий урф-одат ва маросимларнинг аслича сақлаб қолинишига тескари таъсир кўрсатмайдими?**

- Узоқ ўтмишга, бой тарихий меросга эга бўлган халқимиз, ўйлайманки, бугунги иқтисодий эврилишлар даврида ҳам ўзлигини йўқотаётгани йўқ. Тўғри, сиз билан биз халқлар ва миллатлар бирлашаётган, муносабатлар тобора яқинлашаётган ажойиб даврда яшаяпмиз. Лекин халқлар ва миллатларнинг ўзлигини сақлаб қола билиши, ўз ўтмиши ҳамда миллий қадриятларини эъзозлаши муҳим масала. Қолаверса, аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган вазифалардан бири бўлиб турганини пайқаш қийин эмас. Хусусан, Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарларида «Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда» дейилади. Дарҳақиқат, қарийб сўнгги юз йил давомида аждодлари таҳқирланган, «қора» ўтмишидан айириб қўйилган халқимиз эндиэнди маънавий-руҳий соҳада бошни ғоз кўтаришга ўзида куч сезаётир, тарихий ҳақиқат тикланиши натижасида аждодларидан нафратланиш эмас, балки фахрланиш, ғурурланиш лозимлигини дафъатан сезди.

Мамлакат миқёсидаги оламшумул ўзгаришлар халқимиз ҳаёт тарзида ҳам ўз акс-садосини бераётгани қувонарли ҳолдир. Мен бу ўринда ҳозирги кунда ўтказилаётган тўй-маъракаларнинг ихчамлашгани, ҳар ким қурби етган даражада орзу-ҳавас қилаётгани ҳақида тўхталмоқчи эдим. Эътибор бersангиз, халқимиз ҳозир турли маърақа ва маросимларни иложи борича файзли, мазмундор, шу билан биргаликда иқтисодий жиҳатдан камчиқим ўтказишга ҳаракат қилаётир. Кузатишларимга асосланиб шуни айтишим мумкинки, ҳамюртларимиз биринчи галда бу тадбирларнинг ижтимоий қимматига, кейинги оқибат-натижаларига кўпроқ эътибор қаратаётир. Худди шу мулоҳазаларни тўй маросимларининг ўтказилиши хусусида ҳам айтса бўлади. Республикамиз Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган янги Оила Кодексини бир сўз билан оилалардаги ажримларни нисбатан камайтирадиган, оилалар бутунлигини мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий ҳужжат деб эътироф этса бўлади.

Янги кодексда, аввалгисидан фарқли ўлароқ, «Қариндошлик, қайнбуйинчилик ва қуда-андачилик» боби киритилган. Бу боб миллий туриш-турмушимиз, менталитетимизни эътиборга олгани билан қимматлидир. Чунки барча халқ ва элатларда бўлгани каби ўзбекларнинг ҳам қуда-андачилик, қариндошлик муносабатларида ўзига хослик мавжуд. Бу миллий-этник хусусиятлар кодексда ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинган.

Кодекснинг ижтимоий қиммати ҳақида гапирган эдик. «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш» тўғрисидаги модданинг янги кодексимизда пайдо бўлиши шу маънода эътиборлидир. Бўлажак эр-хотиннинг тиббий жиҳатдан оила қуришга тайёр эмаслиги кўпгина ёш оилаларнинг «умри қисқа»лигига сабаб бўлаётир. Улар ихтиёрий равишда шифокор кўригидан ўтишса орада ортиқча гина-қудуратларга ҳожат қолмайди. Никоҳ уйимиз бу йўналишдаги тажрибани аллақачон изга қўйиб, ихтиёр этган ёшларга Шайхонтоҳур туманидаги 42-сонли поликлиникада кўрикдан ўтишга тавсиялар беради.

«Оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари» бўлимида «Вояга етмаган (етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож) болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенг»лиги алоҳида таъкидланади. Шунингдек, бу кодексда вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларга таъминот берилиши лозимлиги ҳам алоҳида белгиланганки, бу ҳолат барпо этилган оилаларнинг иложи борича тарқаб кетмаслиги, ўткинчи можаролар ажрим ҳолати билан якунланмаслигига омил бўлади. Юқоридаги бўлимнинг 15-бобида эса эр-хотин ёки собиқ эр-хотинларнинг алимент тўлашдаги мажбуриятлари қайд этилади. Бобнинг 118-моддасида ҳатто ҳомиладор хотин, ногирон фарзанд, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган аъзоларнинг таъминот олиш ҳуқуқлари кўрсатилган.

**- Зумрад опа, нима деб ўйлайсиз, ҳуқуқий ҳужжатлар бизнинг хатти-ҳаракатларимизни қайсидир маънода ихоталаш учун чиқариладими ёки бу тартиб-интизом доирасидаги мавзуми?**

- Инсон ҳамиша эркинликка интилиб яшайди. Ҳурлик, мустақиллик инсон орзу қилиб келган энг қиймати ва азалий туйғудир. Ҳуқуқий ҳужжатлар эса макон ва замон шароитидан келиб чиқиб инсонни ҳақиқий инсонлигича қолиши учун воситадир, холос.

**Нодир АЛИМОВ суҳбатлашди.**

*Таниш сиймолар — нотаниш қирралар*

# КОМИЛЛИК ЗУҲУРИ

**Шу кунларда Республикамизнинг илм-адаб аҳли машҳур тарихчи олим, тарих фанлари доктори, профессор, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», Зуҳриддин Нуриддиновни хотирламоқда, Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини тугатган З. Нуриддинов бутун илмий, педагогик фаолиятини Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида талабаларга маъруза ўқиш, аспирантларга раҳбарлик қилиш билан ўтказган. Олимнинг ўнлаб илмий рисола, қўлланма, дастур ва дарсликлари юртимизда тарихшунослик равнақига муносиб улуш қўшган. Бир суҳбатда профессор Ҳамид Зиёев «Биз Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихини Зуҳриддин Расуловичнинг икки жилддан иборат китобидан ўқиб ўрганганмиз» деган эдилар. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам устоздан дарс олган, у кишининг раҳбарликларида ишлаган. Бугун хотира гўшасида қолган айрим лавҳаларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдаман.**

Мен устоз Зуҳриддин Расулович Нуриддиновдан тарихдан сабоқ олганман: институтдаги илк фаолиятим бевосита у кишининг раҳбарликларида бошланган: гап шундаки, Зуҳриддин ака III-IV курсларда бизга «Ғарбий Европа мамлакатларининг энг янги тарихи»дан дарс берганлар, 5-курсдалигимда домла «Совет педагоги» кўп нусхали газетасига редактор эдилар, мен эса масъул котиб.

Зуҳриддин ака ниҳоятда маърифатли муаллим, тушунча доираси кенг олим, меҳрибон ва талабчан устоз эдилар. У киши бирон маърузага матнсиз кирмас, аудитория бефарқ қарамасди. Нутқининг равонлиги-ю билимининг теранлигини кўзкўз қилиб, хонанинг у бошидан бу бошига юриб, баландпарвоз гаплар билан мавзунинг бу ёғидан кириб, у ёғидан чиқиб кетиш домлага мутлақо ёт нарса эди. Зуҳриддин ака шу даражада босиқлик билан тадрижийликда гапирардики, маърузаларини ҳам мириқиб тингларингиз, ҳам бемалол ёзиб улгурар эдингиз. Устознинг дарс бериш маҳоратининг ўзи бўлғуси мураббийлар учун бир мактаб. Инсонийлигини айтмайсизми.

Зуҳриддин ака газетага муҳаррир этиб тайинланганда мен мусаҳҳиҳ (корректор) эдим. Масъул котибимиз доим ширакайф юрарди, баъзан газета чиқадиган кунлар босмахонага ғирт маст келиб, мен ўқиб, тузатириб қўйган саҳифаларни «Хато ўтказиб юборибсиз» деб гулчамбар қилиб ташлар, ҳарф терувчи-ю, саҳифаловчилар билан жанжал чиқарарди. Натижада газета 2-3 кун кечикиб чиқарди. Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, охири бир кун устозга «чақдим» (Аллоҳ ўзи кечирган бўлсин). У киши « а, шундайми, ўзи ночор одаму муттасил ичади-я» дедилар, холос. Мен ҳангу-манг бўлиб қолдим. Аста - секин институтга ҳам ичиб келиб, қип-қизариб юрадиган бўлди. Шунда ҳам муҳарririмиз танбеҳ бермадилар, урушмадилар ҳам. Охири бир куни домла «Ҳамиджон, у кишига айтинг, ариза бериб бўшаб кетсин»- дедилар. Унга қаттиқ гапириш бефойда, кап-катта одам».

Бир куни газетани саҳифалаб, ўқитиб олгани кафедрага келтирсам домла йўқ эканлар, уйларига сим қоқдим. Телефон гўшагини ўзлари олдилар, саломаликдан сўнг:

- Ҳамиджон, бугун биз бола боқча, уйга кела қолинг,-дедилар.

Троллейбусга ўтириб ишчилар шаҳарчасидаги ҳовлиларига бордим. Устоз сўри тагидаги катда Эркинжонни ўйнатиб ўтирган эканлар, келинойи эса кир ювиш билан банд. Шундай катта олимнинг бола боқиб ўтиришлари менга ғалати туюлди. Салом-аликдан кейин мен Эркинжонни ўйнатиб юрдим, у киши тўрт саҳифали газетани ўқиб, имзо чекдилар. Бу борада келинойи ҳам юмушларини тугатиб, чойнон, қанду курс келтирдилар. Чой ичиш жараёнида устоз чақалоқни ҳам, янгани ҳам сизсираб гапирардилар. Зуҳриддин ака хонадонида ҳамма бир-бирига тенг, ёрдамлашар ва ҳурматда. Домланинг хонадонидаги мулойимлигу мушфиқликлари ва доно ота эканлиги кўриниб турарди.

Етмишинчи йилларнинг охирлари эди. Институтимизнинг кутубхонашунослик факультети асосида Тошкент маданият институти ташкил этилди. Бутун факультет ва унда ишловчи профессор-ўқитувчилар, жумладан, адабиётшунос доцентлардан Ортиқ Қаюмов, Ғайрат Жалоловлар ва мен янги олий ўқув юртига ўтадиган бўлдик. Ректор Зуҳриддин Расулович ҳузурида бу масала узилкесил муҳокама қилиниб, ҳал бўладиган пайтда менинг қайсарлигим тутди:

- Мен у институтга ўтмайман, шу ерни тугатиб, шу ерда униб-ўсдим, устозим Натан Маллаев маслаҳати билан докторлик диссертациясини ёзмоқчиман,-дедим биров эркалигимни кўтарадигандай.

Устоз бир оз ўйланиб турдилар-да, ўқув ишлари бўйича проректор Муҳаммаджон Сайдматовга юзланиб, таъкидладилар:

- Бу масалани обдан ўйлаб, пишитиб олиб келмабсизлар? Хом иш қилибсизлар, хом!

Эртаси куни ректор олдига кириб, ўз «дардимни»тўкиб сочдим, келажакка мўлжалланган режаларимни айтдим: Домла ўзларига хос ботамкинлик билан гапларимни тингладилар-да, қатъий бир оҳангда дедилар:

- Ҳамиджон, ҳукумат аллақачон бунча штатни бўлғуси институт учун олиб қўйган. Биз уларни ишдан бўшатишга мажбурмиз. Сизнинг ўрнингизга бошқа бировни жўнатишга тўғри келади. Ўзингиз биласиз, мен бундай қилолмайман, яъни бекорга бировни ранжитмайман. Ҳар ҳолда проректорлар билан маслаҳатлашиб кўрамиз...

1966 йилги ер қимирлаш кўп қатори бизни ҳам кўп тигача бор тақрорланган, охири бир кун устозга «чақдим» (Аллоҳ ўзи кечирсин). У киши « а, шундайми, ўзи ночор одаму муттасил ичади-я» дедилар, холос. Мен ҳангу-манг бўлиб қолдим. Аста - секин институтга ҳам ичиб келиб, қип-қизариб юрадиган бўлди. Шунда ҳам муҳарririмиз танбеҳ бермадилар, урушмадилар ҳам. Охири бир куни домла «Ҳамиджон, у кишига айтинг, ариза бериб бўшаб кетсин»- дедилар. Унга қаттиқ гапириш бефойда, кап-катта одам».

Бир куни газетани саҳифалаб, ўқитиб олгани кафедрага келтирсам домла йўқ эканлар, уйларига сим қоқдим. Телефон гўшагини ўзлари олдилар, саломаликдан сўнг:

- Ҳамиджон, бугун биз бола боқча, уйга кела қолинг,-дедилар.

Троллейбусга ўтириб ишчилар шаҳарчасидаги ҳовлиларига бордим. Устоз сўри тагидаги катда Эркинжонни ўйнатиб ўтирган эканлар, келинойи эса кир ювиш билан банд. Шундай катта олимнинг бола боқиб ўтиришлари менга ғалати туюлди. Салом-аликдан кейин мен Эркинжонни ўйнатиб юрдим, у киши тўрт саҳифали газетани ўқиб, имзо чекдилар. Бу борада келинойи ҳам юмушларини тугатиб, чойнон, қанду курс келтирдилар. Чой ичиш жараёнида

Шаҳарни гир айланиб ёғоч омборларини-ю, хўжалик дўконларини айланиб чиқдим: ҳеч ерда шифер зоти йўқ. Жўра ака эса ҳар куни «топилдими» деб чиқавердилар. Бир куни деканатда хомуш ўтирсам, устоз Зуҳриддин ака кириб келдилар. Ўрнимдан туриб салом бердим, кўришдик.

- Ҳа, маъюс кўринасиз, участкалар битиб қолдими?- сўрадилар домла.

- Битди-ю, бировдан 30 дона шифер қарз олувдим, қистаяпти, топиб беролмай гарангман,- жавоб бердим.

- Институтда шифер бор, Шопўлат акага киринг, ёрдам берадилар,- таъкидладилар устоз.

- Мен бир аспирант бўлсам, қандоқ бўларкин?

- Ректоримиз ўз ходимларига қайишадиган одам. Сиз олдиларига боринг, албатта, кўмаклашадилар.

Эртаси куни ректоримиз Шопўлат Абдуллаев қабулларига кириб, арзимни изҳор этдим. У киши бош ҳисобчи Шопенни ҳузурларига чорлаб:

- Ҳамма ташкилотлар ер силкинишидан жабр кўрган ходимларига ёрдам бермоқда. Сиз ҳам аспирант Ҳомидовга 30 та шифер ёзиб беринг,-дедилар.

- Хўп бўлади,-деди ҳисобчи фармонбардорона.

Аммо йўлакка чиққач мени қойиб кетди:

- Қанақа одамсиз, ректор айтаверади-да, институт балансидаги шиферларни мен Сизга беролмайман.

Эртаси куни яна ректор ҳузурига бордим. Аммо котиба «домла ҳозир шошилинч тарзда вазирликка кетмоқчи» деб хонага киришга рухсат бермади. Қабулхонада туриб қолдим. Кўп ўтмай ичкаридан Шопўлат ака чиқиб, менга назарлари тушди:

- Ҳа, яна нима гап?- сўрадилар.

Мен воқеани баён этдим. Ректор ўша ернинг ўзида телефон гўшагини олиб, Шопен билан боғланиб дедилар:

- Нега Ҳамидовга шифер бермадингиз?

-...

- Я кру-пру, незнаю. Абдуллаев говорит, значит Абдуллаев отвечает,- дедилар-да, телефонни жойига қўйдилар.

Ҳисобчи ҳузурига бордим, ишим битди.Ҳатто шиферни юклаб кетиш учун машина ҳам беришди. Ҳар гал бу воқеани эсласам «Эй мўъмин, баний одамийга яхшилиқ қил, яхшилик қила билмасанг бори ёмонлиқ қилмагайсанким, ул ҳам яхшиликдур» деган Ҳадиси Шариф эсимга тушади.

**Ҳа, Зуҳриддин Расулович олдига бирон киши ёрдам сўраб келса, иложи борича кўмаклашадиган, ҳеч бўлмаса, унинг ташвишига шерик бўлиб, унга мадад беролмаганидан азият чекадиган фариштали инсон эдилар. Ўз вазифасига виждонан, покдомонлик билан қараш, ўзгалар изтиробини баҳам кўриш, иложи борича барча бандаларга яхшилик қилишга интилмоқ, обрўси, мансабини суистеъмол қилмаслик, ҳаммага ширинсухан бўлмоқ, касбдошлар, шогирдлар қадрини эъзозламоқ, камсуқумлик комилликнинг бандаларида зуҳр этадиган хислатларидир. Зуҳриддин ака ана шундай аксарият яхши фазилатлар мужассамлашган, яхшилик-ла умр сургандилар. Аллоҳнинг бу тоифадаги бандалари жисман орамиздан кетган бўлсалар ҳам яхши амаллари билан руҳан тирикдирлар. Зероки, уларнинг сафдошлари, минглаб шогирдларни номини яхшилик билан зикр этиб, ўзларига ҳамдам олиб юрадилар.**

Ҳомиджон ҲОМИДИЙ.

*Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт •*

*«Алпомиш» достонининг юбилейи олдидан*

# ПОЛВОНИНИ ТАНИЁТГАН ЮРТ

**Қарши педагогика билим юрти Жисмоний тарбия ва Спорт куллиёти декани «Самбо» ва Миллий кураш устаси Сайфулла Амирқулов билан суҳбат.**



**- Сизнинг бўлимингиз вилоятимиз мактабларига жисмоний тарбия фани ўқитувчилари етиштириб бериш билан бир қаторда, кўплаб юртимиз полвонлари етказиб берган маскан эканлигини яхши биламиз. «Алпомиш» достонининг аҳамияти, тили каби мавзуларда тадбирлар ўтказилаяпти. Сизлар эса бугунги тадбирингизда айнан полвон ва бахшиларни таклиф этгансиз. Аслида эса полвон ва бахшилар икки олам, сабаби нимада?**

- Тўғри, бироқ икки оламни «Алпомиш» достони бирлаштиради. Биз достонларни бахши-шоирларсиз, уларнинг ижодини эса полвонларсиз, халқ қаҳрамонларисиз, уларнинг жасоратисиз тасаввур этолмаймиз. Шунинг учун халқнинг юрагига севиш, унинг учун жасоратлар кўрсатиш, мардлик, қаҳрамонлик туйғуларини шакллантиришда бахши-шоирларнинг, достонлар дунёга келиши учун эса халқ қаҳрамонларининг ўз ўрни, ҳиссаси бор. Кейин бу тадбирни ташкил этишда ҳам рамзий маъно бор. Маълумки, Алпомиш, яъни Ҳакимбек 7 ёшида Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйидан отган ўқи Асқар тоғи чўққисини юлиб кетиб, Алп мақомини олган эди. Мана яқинда Алпомишлар юрти Ўзбекистонимиз ҳам Алп ёшига етади. Агар Истиқлолдан кейинги юртимиз эришган муваффақиятларни сарҳисоб қиладиган бўлсангиз ҳам ўшандай Алплик туйғусини сезасиз, ифтихор қиласиз. Эътибор қилинг, Ўзбекистон футболчилари Осиё биринчилигида илк бор иштирок этиб чемпион бўлди. Ҳамюртимиз Артур Григорян Профессионал боксчилар орасида 6 карра жаҳоннинг мутлақ чемпиони бўлди.

Бугунги кунда Мустақил давлатимиз вакиллари спортнинг барча соҳасида дунёвий катта спорт сари шаҳдам қадамлар билан дадил кириб бормоқда. Ҳозирги кунда кўпгина давлатларнинг ўз миллий спорт турлари бор, шу соҳалар бўйича ҳам дунё танийди. Масалан, футбол, дзю-до, Таэквандо каби спорт турлари ўзи ташкил этган, ривожлантирган давлатларнинг номини эслатиб туради. Бироқ, халқимизнинг миллий кураш турларини шу кунгача саноқли давлатлар биларди. Ҳозирги кунда машҳур курашчиларимиз сони кундан-кун ошиб бормоқда. Шу жумладан миллий курашимиз ҳақида ҳам кўпгина давлатлар тасаввурга эга бўлмоқда. Юртбошимиз раҳбарлигида миллий курашимизни ривожлантириш борасида катта ишлар қилинаётгани бизни қувонтиради, спорт фидоийлари ташаббуси билан шу йилнинг 15-18 апрель кунлари Франциянинг «Монако» шаҳрида ўтказилган Европа олимпиадаси 50-юбилей конгрессида Ўзбекистон давлати жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Мажитов ва Комил Юсуповлар ўзбек миллий курашини, олимпия ва жаҳон биринчилиги дастурига киритиш масаласини кун тартибига қўйишни таклиф этиб, шу йилнинг сентябрь ойида Тошкентда халқаро кураш Федерациясини тузиш ва қитъа чемпионатини ўтказишга келишилди. Маълумки, миллий курашнинг барча тури Алпомишлардан бизга меросдир.

Хабарингиз бор, илгари юртдошларимизнинг жаҳон ва Европа чемпионатларида иштирок этиши қанчалар мушкул эди. Боришса-да, муваффақиятлар собиқ СССРники бўлиб кетаверарди, ўзбек деган миллат тилга олинмасди, юқорига йўл берилмасди. Мана Мустақиллик боис нафақат миллатимиз, 2 миллионлик аҳолиси бўлган вилоятимиздан ўнлаб чемпионлар юртимиз байроғини баланд кўтаришди, миллатимизни дунёга танитди. Мана китоблик спортчи Сайфиддин Ҳодиев 10 карра республика, собиқ иттифоқ, 2 карра жаҳон чемпиони бўлиб, Қашқадарёнинг номини оламга танитди. Унинг издошлари шаҳрисабзлик Эркин Холиқов жаҳон ва Европа чемпиони бўлди, Қаршилик ака-ука Фурқат ва Исом Кенжаевлар 7 карра чемпион бўлди, 1997 йилда Осиёнинг Мутлақ чемпиони бўлдилар. Яқинда спортнинг каратэ туридан Англияда бўлиб ўтган мусобақада Қарши шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси Шерзод Ибрагимов жаҳон чемпиони олтин медалига сазовор бўлди. Ҳали миллий кураш бўйича ўзларини кўрсатадиган, миллат шаънини оламга олиб чиқадиган полвонларимиз кўп маротаба милларимиз байроғини баланд кўтаришига ишонаман.

**- Айнан анжуманни Алпомишларга айтилган алла билан бошладиларингиз, бунинг ҳам рамзийлик томони борми?**

- Барча миллатнинг, авлодларнинг ҳислатлари аллалар орқали фарзандларга ўтади. Аллалар минг йиллик қондаги ғурурни, жасорат ва мардликни кўзғайди. Бугунги юртимиз Алпликдек саодатга етган кунларида оналарнинг алласи нечоғлик аҳамиятли, қанча такрорланса шунча яхши.

Шарофат АШУРОВА

# ШАХМАТЧИЛАР ЧОЙХОНАСИДАГИ ГАПЛАР

## ҒОЛИБНИ СУД ҚИЛАДИМИ?

Ғолибни суд қилмайдилар, дейишади. Ҳар доим ҳам шундай бўлавермас экан. Мана эшитинг: Италиядаги Сан Лоренцо шаҳрининг фуқароси Жузеппе Наволетти деган бир кимса суд олдида ҳозир бўлди. У шаҳар шахмат чемпионатининг ҳар бир учрашуви олдидан навбатдаги рақибига думалоқ хат ёзиб, унинг бола-чақалари шаънига доғ туширишга ҳаракат қилганликда айбланган эди. Наволеттининг адвокати гап борйўғи ҳимояси остидаги кишининг турнир ғолиби бўлиши учун ёрдамлашган «психологик ҳийла ҳақида», «ғолибни эса суд қилмайдилар», дейди. Бироқ, суд ҳайъати бошқача фикр юритди. Мабодо мазкур воқеага тегишли ҳукм чиқарилмаса, ҳамма шахмат ўйнамай думалоқ хат битиш орқали чемпион бўлади-ку деб ростмана ҳукм чиқарди. Демак ғолибни суд қилмайдилар деган гапни акси ҳам бўларкан-да!.. Бунга ишониш-ишонмаслик ўзингизга ҳавола.

## ПОРТУГАЛЧА БОШЛАНИШ

Баъзи-бировларнинг айтишича, шундай аталувчи дебютнинг пайдо бўлишига Португалиянинг бир неча бор чемпиони, профессор Антонио Пирешнинг паришонхотирлиги сабаб бўлганлиги турнирларнинг бирида ўйнаётиб мўътабар олим одатига кўра испанча партияни ўйнамоқчи бўлади ва бир-иккита номақбул юришлар қилади. Бундан рақиби эсанкираб қолади ва ногоҳ хатога йўл қўяди. Профессор вазминлик ва жиддийлик билан жавоб юриши қилади. Батамом саросимада қолган рақиб шу заҳотиёқ таслим ишорасини қилади.

Кулгили аҳволга тушиб қолмаслик учун профессор Пирешга махсус равишда янги дебют тайёрланганлигини билдиришга тўғри келган экан ўшанда.

Нима бўлган бўлса бордир «Ревиста португеза де шадрез» журналининг 1943 йил февраль сонида профессор Пireш ўзи қўллаган дебютнинг энг яхши таҳлили учун совринли конкурс эълон қилади ҳам.

Янги дебют Португалиядан ташқарида шуҳрат топмади. Лекин маҳаллий ишқибозлар, ўз мамлакатлари вакиллари халқаро мусобақаларда бу «миллий шахмат қироли»ни муваффақият билан қўллаганларида қанчалик лаззатланишларини айтмайсизми. Ўз уйим, ўлан тўшагим» деб шунга айтсалар керак-да!

Жаҳон чемпиони Александр Алёхин муваффақият «калити» ҳақида шундай ёзади:- Бунинг учун, биринчидан шахматчи ўзининг кучи ва заиф томонларини тушуниши, иккинчидан, рақибининг кучли ва заиф томонларини билишга интилиши, учинчидан, бир дақиқалик қониқиш ҳосил қилишдан кўра юқорироқ мақсадни кўзлаши лозим. Бу мақсад шахматни бошқа санъатлар қаторига қўювчи илмий ва бадиий жиҳатдан баркамолликка эришишдан иборат, деб биламан. Алёхинга ишонмоқ керак.

Машҳур гроссмейстер, ўткир қалам соҳиби Савелий Тартаковер шахматчиларни хазиломуз тўрт гуруҳга бўлган. Буни Шарқ афсоналаридагидек таърифлайди. «Шарқ афсоналарида эса бундай дейилади: - «Шахматчилар борки, бўш ўйнайдилар-у, аммо буни ўзлари тан олмайдилар-улардан қоч! Шахматчилар борки, бўш ўйнайдилар ва буни ўзлари биладилар-булар ақлли кишилар, уларга кўмаклаш! Шахматчилар борки, яхши ўйнайдилар-у, аммо буни ўзлари билмайдилар-камтар одамлар булар, уларни ҳурмат қил! Шахматчилар борки, жуда яхши ўйнайдилар ва буни ўзлари биладилар-булар шахмат донишмандлари, улардан ўрган!»

Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Бу воқеа бир мусобақада содир бўлган. Машҳур шахматчилардан иккитаси ўзаро ўйнарди. Улардан бири бир юриш устида бир соатдан ортиқ ўйлайди ва фарзинини ёнидаги бир катакка суради. Шунда улар ўйинини диққат билан кузатаётган бир хоним:

- Шунча узоқ ўйлаб, қилган калта юришини қаранг,- деб ҳитоб қилган экан...

Энди машҳур кишиларнинг бу содда ўйин ҳақида айтганларидан бир шингил эшитинг: -шахматни яхши ўйнайдиган одамларга ҳаваси келади, деб ёзганди қирғиз адиби Чингиз Айтматов. - Улар тахта узра ижод қилганларида чинакамига истеъдодли рассом, мусиқачи, артист даражасигача кўтариладилар, эстетик бойликлар яратадилар. Шахмат партиясини худди ажойиб сурат, шеър ёки театр спектаклидек тамоша қилса бўлади»..

Хуан Хосе Арреола шахмат ҳақида бундай деганди: - Шахмат мен учун абадий сир ва мўъжизадир. Ҳар бир партия бошланиши билан қаршимда хаёлотлар, саргузаштлар, жумбоқлар ва математик ҳисоблар дунёсининг эшиги очилади. Бугунги кунда фазога учишлар мени ҳайратга солмай қўйди, бу одатдаги юришлар эса ҳар доим сирли бўлиб, уни олдиндан билиб олиш мумкин эмас.

Ҳа азизлар, юқорида келтирилган мисоллар афсона эмас, балки ўзингиз эшитгандек шахматчилар ҳаётида содир бўлган воқеалардир.

Донёр ЮСУПОВ, шарҳловчи.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

**Тожикистон ҳукумати Россиянинг НТВ телекомпаниясининг мухбири Елена Масюкни республикани тарк этишини талаб қилган Тожикистон Ташқи ишлар вазирлиги департаментининг бошлиғи И.Саттаровнинг гапларига қараганда 22-23 июль кунлари НТВда намойиш қилинган материалларида Е.Масюк воқеликни ноҳолис баён этиб бу билан икки қардош халқ орасига нифоқ салмоқчи ва Тожикистонни беобрў қилмоқчи бўлган. Агар НТВ раҳбарлари Тожикистоннинг бу фикрига қарши бўлсалар, у ҳолда бу телекомпаниянинг фаолияти умуман таъқиқланади.**

***

Туркманистон Президенти С.Ниёзовнинг шу ойнинг охирларида Хитойга сафар қилиши мўлжалланган. Визит чоғида иқтисодий масалалар, хусусан туркман нефти ва гази билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилиши кутилмоқда.

***

**Қирғизистон Президенти А.Акаев республика ихчам, тез ҳаракат қиладиган замонавий талабларга мос келадиган армияга эга бўлиши, бунинг учун ҳарбий ислоҳотлар дастурини ишлаб чиқиш кераклигини айтган.**

***Сирдарё вилоятидаги «Сирдарёжамқуриш» очиқ турдаги «Ўзфармсаноат» давлат ҳиссадорлик қошидаги «Зилола» ишлаб чиқариш савдо тижорат жамияти маҳсулотлар турини йилдан йилга кўпайтирмоқда. Яқинда бу ерда ип калава ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Натижада 70 киши ишли бўлди.***

***Айни кунда ип калава йигирув цехида иш уч сменада ташкил этилган. Йигирувчилар бир йилда 150 тонна сифатли ип калава тайёрлайдилар.***

**Суратда: ип йигирувчи Мамлакатхон Тошпўлатова.**

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

*Қорақалпоғистон хабарлари*

## ДАРСЛИКЛАР ТАЙЁР

Янги ўқув йили яқинлашган сари матбаачиларнинг масъулияти тобора ортмоқда. Буни яхши тушунган «Билим» нашриётида иш қизиб кетди. Ҳозиргача Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлигининг буюртмасига биноан жами 63 номдаги дарсликлар, ўқув қуролларидан 60 номдагиси салкам 3 миллион нусхада босиб чиқарилди. Китоблар дўконларга етказиб берилмоқда.

Шуниси қувонарлики, амалдаги ўқув йилидан эътиборан дарсликлар пуллик бўлиши муносабати билан ўнлаб ташкилотлар, идоралар ва фуқаролар томонидан саховат кўрсатилиб етарли маблағ ажратилиши сабабли қам таъминланган ҳамда ёрдамга муҳтож оилаларнинг бир неча ўн минглаб ўғил-қизларига дарсликлар бепул бериладиган бўлди.

## КЎРГАЗМАГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

**Нукусдаги И.Савицкий номидаги санъатшунослик музейида таниқли ҳайкалтарош Д.Турониёз ва рассом Ж.Лепесов асарлари кўргазмаси ташкил қилинди. «Санъаткорлар-мамлакат мустақиллигига!» мавзуида уюштирилган мазкур тадбирда ҳайкалтарош ва рассомнинг юздан ортиқ асарларида қорақалпоқ халқи вакиллари уй-ташвишлари, кувончлари акс эттирилган, Орол экологик фожеасини батараф қилиш йўлида олиб борилаётган ишлар, табиатнинг ёркин кўринишлари ўз ифодасини топган.**

**Кўргазмани шаҳарликлардан ташқари, бошқа туман ва овуллардан, шунингдек ҳориждан ташриф буюрган меҳмонлар катта қизиқиш билан томоша қилмоқда.**

## ЯНГИ РАСТАЛАР

Кегейли деҳқон бозорини кенгайтириш, шундай қилиб аҳолига қулайликлар яратиш йўлида изчил ишлар олиб борилмоқда. Яқинда бу ерда 100 ўринли янги раста фойдаланишга топширилди.

Пештахталарнинг ёз неъматлари билан мўлкўл бўлишида бозор маъмурияти ва хўжаликлар, фуқароларо тузилган шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш асосий рол ўйнамоқда. Жумладан, Қанёз Абиуллаев, Матеке Жуманазаров номидаги қишлоқ хўжалиги уюшмаларидан сархил полиз ва сабзавот, боғдорчилик маҳсулотлари қўплаб келтирилмоқда.

Абду РАҲМОН

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисоднёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият-56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш-56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ЎВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21.30

Буюртма Г— 0182. Нусхаси — 15.368. Масъул навбатчи: Дилором КАРИМ қизи 123456